

Хабар

30
(931)-son

23-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Билим даргоҳи: Қурилиш авжидда



«Баркамол авлод йили Давлат дастури»нинг «Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш» номли 3-бўлимнинг 27-бандида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали янги биноси қурилиши белгиланиб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бажарувчи маъсул этиб тайинланган.



Суратда: Қурилиш якунланганидан сўнг ТАТУ Самарқанд филиали шундай кўриниш ҳосил қилади.

3-бет



Алоқа оламида:

Сўнги янгилик!

Япониянинг Brother Industries компанияси ихчам ток генераторига эга батареялар ишлаб чиқди. Улар стандарт AA ёки AAA батареялар билан бир хил катталиқка эга.

Бу батареяларни лаҳзалик ёки кам ток сарфловчи қурилмалар, масалан, пулт ва светодиод фонарларда ишлатса бўлади.

Батареяларни алмаштиришга ҳожат йўқ, қўлда силкитилса кифоя — ўз-ўзидан энергияга эга бўлади.

Бу технология кенг қўллansa, бир марталик батареялардан воз кечилади ва атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқиши камаяди.



Ушбу сонда:

- Ярим йил ўтди. Натижа қандай? 2
- Google шамолда ишлайди 4
- Похорошел, стал красив 6
- Жамоа шартномаси — асосий дастуриламал 13
- Билимингизга ишонинг! 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июл куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Гидо Вестервеллени қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июл куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Стайнбергни қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда Жеймс Стайнберг Президент Ислам Каримовга қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ келгусида ҳам Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро фойдали ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтиришга тайёр эканини билдириди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табриги эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида кўра, ўзбек футболчининг шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатганликлари учун Равшан Сайфиддинович Ирматовга “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони, Рафаэль Эдуардович Ильясовга “Дўстлик” ордени берилди.

2010 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чоралар белгирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда туризм салоҳиятини ошириш ва соҳани ҳуқуқий тартибга солиш: муаммо ва ечимлар” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда биринчи ўрин Эргаш Ҳожиёв (Тошкент шаҳри)га насиб қилган бўлса, жиззахлик Моҳиучеҳра Яхшибоева ҳамда сирдарёлик Шерали Худойбердиев ва Наргиза Файзиёва жуфтлиги иккинчи ўринни, қорақалпоғистонлик Муҳаббат Дошанова ҳамда Тошкент вилояти вакили Алишер Халилов учинчи ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди. Мажлис аудио ва видеоселектор тизими орқали туман ҳамда вилоятларга узатилди.

Мажлисида Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев “2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида” маъруза қилди.

Маърузада соҳада амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар атрофида кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

ЯРИМ ЙИЛ ЎТДИ. НАТИЖА ҚАНДАЙ?

ДАСТУРЛАР АМАЛДА

Соҳа ходимларига аёнки, Агентлик таркибидаги корхона ва ташкилотларда бир неча лойиҳа ҳамда дастурлар устида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Халқаро маълумотлар узатиш тармоқларини захиралаш, магистрал алоқа тармоқларининг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Дастури асосида Келес (Ўзбекистон) — Саригоч (Қозғоғистон) участкасида халқаро магистрал алоқа линияси фойдаланишга топширилди. Янгичиллоқ (Жиззах вилояти) — Нурота (Навоий вилояти) оралигида ТОВ халқаро магистрал алоқа линиясига оптик толали магистрал алоқа захира линияси ташкил этиш мақсадида 165 км. кабел ётқизилди. “Бухоро-Қарши-Термиз йўналишида магистрал тармоқни DWDM-технологияси асосида кенгайтириш” лойиҳаси доирасида Бухоро, Қарши, Ғузор, Деҳқонobod, Бойсун ва Термиз станцияларида тегишли телекоммуникация қурилмалари ўрнатилиб, тажрибавий фойдаланишга топширилди.

Почта алоқаси тармоқларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида “Почта алоқаси объектларида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва туман даражасида хизматларнинг янги турларини ривожлантириш” лойиҳасининг 1-босқичини жорий этиш борасидаги ишлар якунланмоқда.

“Матбуот тарқатувчи” АКнинг таркибий бўлимларида вақтли нашрларга обунани қабул қилиш, буюртмаларга ишлов бериш жараёнига автоматлаштирилган технологияларни жорий этиш Дастурининг 1-босқичини жорий этиш якунланди. Компания серверида ягона маълумотлар базаси яратилди.

“Ўзбектелеком” АК ва “Rubicon WC” ҚК ташаббуси билан 7300та таълим муассасасини “ZiyoNET” тармоғига улаш белгиланган бўлиб, бугунги кунда 5 583та муассаса

“ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

ҲАМКОРЛИК

2010 йилнинг биринчи ярмида хорижий давлатлар билан соҳада икки томонлама ҳамкорликни ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантириш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10-12 февралдаги Корея Республикасига давлат таширифи доирасида Инха университети, Корея электрон технологиялар институти, Электроника ва телекоммуникациялар талқиқот институти ва “Maitron” компанияси билан жами 4та меморандум имзоланган. Жорий йил 22 апрелда Токио шаҳрида NEC корпорацияси билан телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Биринчи ярим йилликда 91та асосий иш ўрни ҳамда 140та касаначилик иш ўрни ташкил этилган. Бундан ташқари, республикамиз туманларида аҳолига ахборот-коммуникация, почта хизматлари турларини кўрсатиш мақсадида йил давомида “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиалларида қўшимча 600та иш ўринларини ташкил этиш бўйича алоҳида режа тасдиқланган бўлиб, ҳисобот даврида 332та иш ўрни ташкил этилди.

МУАММОЛАР БОР. АММО ХАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ...

Хайъатда ўтган вақт давомида соҳа корхоналари томонидан бажарилган ишлар ва эришилган ютуқлар билан бирга, камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Масалан, алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича фуқаролардан 2010 йилнинг биринчи ярмида жами 4 771та мурожаат тушган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 фоизга кўпайган.

2010 йилнинг биринчи ярим йил якунига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан 911,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 фоизга ошди.

Шу жумладан, аҳолига 552,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 4,4 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилга нисбатан алоқа хизматлари ҳажми — шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар 3,5, пул ўтказмалари 2,7, жўнатмалар 1,6 фоизга ўсди.

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,94 млн.тани ташкил қилди.

2010 йилнинг биринчи ярмида Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича жами 109,69 млн. АҚШ долл. (172,8 млрд. сўм) ўзлаштирилди ҳамда ярим йил режаси 2,7 баробарга бажарилди.

Республика телекоммуникация тармоғида содир этилган ўғрилиқлар ва узилишлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2010 йилнинг биринчи ярмида ўғрилиқлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 328тага, узилишлар эса 19тага ортган.

Режа бўйича 2010 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган 9та идора ва вазирликлар, мобил алоқа операторлари тармоқлари бошқарув тизимларини Республика телекоммуникация тармоғини Автоматлаштирилган бошқарув тизимига улаш бўйича ишлар амалга оширилиши керак. Лекин бугунги кунга қадар мазкур қарор билан белгиланган 9та идора ва вазирликлар томонидан ҳамда алоқа операторлари билан олиб борилаётган ишлар ҳам кўнглидагидек эмас.

Пенсия ва нафақа тўловларининг автоматлаштирилган назорат тизими дастури ишлаб чиқилган. Бироқ мазкур дастурни “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиалларида жорий этиш ишлари суст даражада амалга оширилган.

Бундан ташқари, рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш учун абонентларни жалб этиш ишлари етарли даражада эмас. Аҳолига, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолига интернет-хизматлар кўрсатиш қийматини пасайтириш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Халқаро пакетли коммутиция марказига уланган оператор ва провайдерлар учун халқаро интернет тармоғига улашиш учун белгиланган тарифлар 21,1 фоизга камайтирилганига қарамайдан, провайдерларнинг истеъмолчиларга тақдим этаётган нархлари йил бошига қараганда 3 фоизга қimmatлашган.

Музокараларда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Атамухамедов, “Ўзбектелеком” АК бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаев, “Матбуот тарқатувчи” АК бош директори С. Назибилдиновлар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Яқинда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бирлашган ва Тошкент шаҳар бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари ҳисобчилари, фазначилари учун беш кунлик ўқув машғулоти ўтказилди. Ўқув Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўқув марказида бўлиб ўтди. Машғулотларда 21 нафар касаба уюшмалари ҳисобчилари ва фазначилари қатнашди.

Амалий машғулотлар

Касаба уюшма бюджети сметаларини тузиш, тафтиш комиссиялари фаолиятини шакллантириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари сингари мавзуларда маърузалар тинглади. Г.Эргашева, А.Муталов, Т.Абдибоева, М.Эшназаров, А.Абдуғафуров, А.Аҳмедовларнинг маърузаларини тингловчилар қизиқиш билан кутиб олишди. Айниқса, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва касаба уюшмалари тизимида АКТдан фойдаланиш бўйича ўтказилган амалий машғулотлар уларда катта таассурот қолдирди.



Машғулотлар сўнггида қатнашчиларга гувоҳнома-лар тантанали равишда топширилди. Шунингдек, улар Ўзбекистон алоқа тарихи музейи ҳамда Тошкент телеинораси билан яқиндан танишдилар.

Биз ўқув машғулоти қатнашчилари фикри билан қизикдик:

— Машғулотлар юксак савияда ташкил этилган, — дейди Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси бош ҳисобчиси Тўхтажон Бекчанова. — Фаолиятимизга оид тегишли кўп нарсаларни билиб олдик. Айниқса, амалий машғулотлар ҳар биримиз учун фойдали бўлди. Ташкилотчиларга минг раҳмат. Бу каби тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Дилором Зарифбекова,

“UzNet” филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Касаба уюшмасидаги иш тажрибам 20 йилдан ошди. Тажриба қанчалик юқори бўлмасин, ҳар бир мутахассис ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслиги керак деб ҳисоблайман. Мен учинчи бор бу каби ўқувда иштирок этишман. Ҳар сафар ўқишлар мураккаблашиб, тақомиллашиб борапти. Бу ҳолат одамни қувонтирмай қолмайди. Сабаби, замон шикдат билан тараққий этмоқда. Ўқиш давомида бугунги кун талабларига қараб маърузалар ўқилди.

Касаба уюшмаси ходими корхонанинг ўнлаб, юзлаб мутахассислари саволларига, мурожаатларига тўлақонли жавоб бера оладиган даражада билимга эга бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳар бир ўқув курси биз учун ўта муҳим мактабдир.

Нодирбек Имомов,

“UzMobile” филиали касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобчиси:

— Касаба уюшмаси йўналишида ишлаётганимга энди бир йил бўлди. Бу ўқув машғулотларидан ўзим учун жуда кўп янгилликларни олдим. Ҳамкасбларим тажрибалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Бу келгуси фаолиятимда жуда ақоштишига шубҳам йўқ. Ўқув машғулотлари ташкилотчилари ва маърузачиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Дианаза ТОЖИЕВА,
Нигора ТУРАҚУЛОВА

Билим даргоҳи: Қурилиш авжжида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

2010 йилнинг бошида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали янги биноси қурилиши бошланди.

360 нафар талабанинг таълим олишига мўлжалланган уч қаватли муҳташам бино қурилиши «Бектемир темирбетон маҳсулотлари» маъсулияти чекланган жамият Ўзбек-Турк қўшма корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.


150 кишилик қурувчилар жамоаси тинмай бир ярим сменада меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш иш юритувчиси Акмалжон Бўриев билан қилган суҳбат чоғида у учта ўқув блоки барчасининг ости техника ертўла бўлиб, устки қисми замонавий технология ускуналари билан жиҳозланиши, ўқишга келган талабалар кенг ва ёруғ, жиҳозланган аудиторияларда таълим олишлари тўғрисида гапирди.

Ғишт терувчи уста Жалол, сувоқчи-пардозловчи уста Ойбек, электр устаси Салимжонларнинг ўз ишларини сидқидилдан бажаришларидан кўпчилик мамнун.

Баркамол авлод йилида қуриб битказиладиган бу қурилиш иншооти юртимиз ёшларига муносиб туҳфа бўлади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



Бугунги кунда ўқув биноси ва спорт зали корпусининг қурилиши 65-70 фоизга бажарилиб, 3,2 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. Янги ўқув биносини Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бухорода ёш дастурчилар маскани

Яқинда Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказида ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда ушбу зиё маскани ходимларининг саъй-ҳаракати билан республика Ёш дастурчилар тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг вилоят ҳудудий тузилмаси — “Ёш дастурчи — Бухоро” маъсулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Малакали мутахассис Мансур Қуртов раҳбарлик қилаётган ушбу тузилманинг асосий вазифаси — соҳага қизиқувчи барча кишилар, айниқса, ёшлар учун қисқа муддатли ўқув машғулотларини ташкил этиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона ва ташкилотларнинг талаб-эҳтиёжларига кўра компютер дастурларини тайёрлаш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг компютер саводхонлигига эришишдан иборатдир.

“Ёш дастурчи — Бухоро” МЧЖда дастурий маҳсулотларни яратиш бўйича ўз билимларини оширган ёшларга тегишли сертификатлар топширилди. Улар шунингдек, “Microsoft” корпорацияси тест-синовларидан муваффақиятли ўтган тақдирда ушбу корпорациянинг халқаро стандартлар даражасидаги сертификатларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Асқар ИСТАМОВ

Xalqaro haqot



ЭНГ УЛКАН ЮЛДУЗ

Шеффилд университети олимлари телескоп орқали (Чилида жойлашган Very Large Telescope) энг улкан юлдузни аниқлашди. Нодатий бу космик объектга R136a1 деб ном берилган.

Целсий бўйича 40 минг даража иссиқликка эга R136a1 ўлчамига кўра Куёшдан 265 баравар катта, оғирлиги эса 320 баравар юқори дея тахмин қилинган.

Профессор Пол Каутернинг айтишича, агар Куёш ёруғлиги бўйича бу юлдуз билан солиштирса, худди Ой ва Куёш ўртасидаги каби фарқни кузатиш мумкин.

Яна унинг маълум қилишича, фанга маълум юлдузларнинг деярли 95 фоизи Куёш билан деярли бир хил ёки сал каттароқ, қолганлари орасида энг улкани Куёшдан 150 баравар катта эди.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКАДА КАХРАТОН КИШИ

DPA агентлиги тарқатган хабарга кўра, Жанубий Американинг айрим мамлакатларида ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида камида 175 киши ҳалок бўлган.

Айниқса, Перу жанубида мураккаб вазият юзага келган: Анд тоғликларида ҳарорат минус 23 даражагача тушиб кетган. Оқибатда 112 киши совуқ ва шамоллашдан нобуд бўлган.

Аргентинада 16 киши совуқдан, 11 нафари печлардаги носозлик туфайли газдан заҳарланган бўлса, Боливияда 18, Бразилия жанубида 9, Парагвайда 5, Чили ва Уругвайда 2тадан киши об-ҳаво инжиқликлари қурбонига айланган.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, 2010 йил киши сўнгги ўн йилликда минтақада кузатилган энг совуқ қишдир.

ФАРНБОРО ИШ БОШЛАДИ

Лондон яқинида анъанавий Фарнборо халқаро авиасалон-кўргазмаси иш бошлади.

Кўргазма доирасида янги Boeing 787 Dreamliner ("Орзу кемаси") самолёти томошабинларга таништирилади. Мазкур ҳаво кемаси Атлантика узра илк парвозни амалга оширган ва Фарнборога келиб қўнган.

Тадбирда фуқаро авиатехникасидан ташқари, Су-35, F/A-18, F-15E, F-16, Eurofighter ҳарбий самолётлари ҳам намойиш қилинади.

Фарнборода авиасалон ҳар икки йилда ташкил этилади. 2008 йили унда 35 мамлакатдан 1500га компания иштирок этганди.

ОМАД СОХИБАЛАРИ

Калифорниялик икки аёл лотереядан 64 миллион доллар ютиб олишди. Улар биргаликда тамаки дўконидан битта чипта сотиб олишганди.

Омад соҳибалари ўз ишларини давом эттириш ва бу пулларни асосан қариндош-уруғларига ёрдам учун ишлатишни ният қилишган.

Лотерея фирмаси вакилининг маълум қилишича, аёллар солиқлар чегириб ташлангандан кейинги қиймат – 41,7 миллион долларни бир йўла нақд пулда олишган. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур лотереянинг жами олтига рақамини топиш эҳтимоли 175 миллионга биттани ташкил этаркан.

САЙЁХЛАР МУШКУЛ АХВОЛДА

Британиянинг Goldtrail сайёҳлик компанияси банкрот деб эълон қилиниши Греция ва Туркияда бўлган 16 минг нафар британиялик сайёҳни мушкул аҳволга солиб қўйди. Гап шундаки, Goldtrail орқали Буюк Британияда харид қилинган ёки банд этилган авиачипталар энди ўз кучини йўқотган.

Британия фуқаро авиацияси бошқармаси маълум қилишича, ташкилот касодга учраган компаниянинг собиқ мижозлари учун махсус авиаташувларни йўлга қўйди.

BIZNES

Google шамолда ишлайди

Google компанияси шамолдан электр энергияси ҳосил қилувчи NextEra Energy компанияси билан 20 йиллик шартнома имзолади.

Шартномага кўра, йилига интернет компанияси NextEgанинг Айова штатида ўрнатилган «шамол тегирмонлари» ишлаб чиқарётган электр энергиясининг 114 мегаваттини сотиб олади. Кўзланган мақсад, бир томондан, экология дастурини бажариш бўлса, иккинчидан томондан, муқобил энергия воситаларидан самарали фойдаланишдир.

Раҳбар алмашармикин?

Nokia компанияси ижрочи директори алмашши мумкин. Айни пайтда бу лавозимда фаолият кўрсатаётган Олли-Пекка Калласуонинг ишларидан компания Директорлар кенгаши қониқмаяпти.

Сўнгги чоракларда компаниянинг қиммат смартфонлар соҳасидаги мавқеига пугур етган.

Strategy Analytics компанияси мутахассисларининг фикрича, Nokia фақат телефонлар ишлаб чиқармасдан, уларнинг дастурий таъминоти ҳам етарлича эътибор қаратиши лозим, шунда Apple iPhone ва Google Androidга муносиб рақиб бўлиш мумкин.

TEKNOLOGIYALAR

Хавфсиз илова



Dell компанияси бепул Secure Browser иловасини йўлга қўйди. Касе компанияси яратган бу дастурни Dell йил бошида сотиб олганди. Secure Browser Firefox 3.6 барузерига мослаштирилган бўлиб, Flash ва Adobe Reader плагинлари билан ишлайди. У холи муҳитда ишлагани учун компютерга интернетдан кирувчи зарарли дастурларни бошланғич шаклга қайтиш орқали тўсиб қолади. Фойдаланувчилар, шунингдек, илова ёрдамида ишончли ва гумонли «оқ» ва «қора» сайтлар рўйхатини тузишлари мумкин.

QONUNCHILIK

Провайдерларга мажбурият

Индонезияда маҳаллий интернет-провайдерларга фойдаланувчиларнинг ғайрияхлоқий сайтларга киришларини тўхтатиш мажбуриятини юкловчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Яна бир неча ойдан сўнг мазкур қонун кучга кириши кутиляпти.

Маълумот учун: Индонезияда 180дан ортик интернет-провайдер фаолият кўрсатади.

Бутунжаҳон ўргимчак тўридаги аксарият ресурслар жануби-шарқий Осиёнинг мазкур мамлакатини норозилигига сабабчи бўлмоқда. Масалан, бир йил илгари фуқароларнинг оммавий Facebook ижтимоий тармоғидан фойдаланишлари танқид қилинган.

MOBIL ALOQA

MODUдан

сенсорли телефон



Исроилнинг Modu компанияси сенсорли экранга эга энг кичик мобил телефон аппарати (Modu T)ни чиқаришга тайёрланаяпти.


Мўъжаз аппарат рақамли камера, мусиқа плеери сингари имкониятларга эга бўлади. Modu туркумига кирувчи оғирлиги 40 грамм, ўлчамлари 72x37x7,8 мм бўлган телефон аппарати ҳатто энг ихчам телефон сифатида Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

WWW

.ORG 25 ёшда

Ўтган ҳафтада юқори даражада .ORG доменининг 25 йиллиги нишонланди. Бу зонада биринчи бўлиб Mitre Corporation компаниясининг mitre.org сайти 1985 йил 10 июлида ишга тушганди. Ахборот технологиялари соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланувчи MITRE Corporationнинг бу сайти ҳозир ҳам ишлаб турибди.

Бугунга келиб .ORG доменидаги сайтлар сони 8,5 миллионгача ташкил этади.



SALOMATLIK

Телефон қулоққа зарарли

Вена университетининг Экологик тиббиёт институти олимлари мобил телефондан мунтазам тўрт йил фойдаланиш қулоқ касаллиги – тиннитусга сабабчи бўлади деган тўхтамга келишди. Тиннитус – қулоқда доимий шовқин ва ғувиллашнинг кузатилиши.



Олимлар тиннитусга чалинган ва соғлом юзлаб инсонларни тадқиқотга жалб этишди. Аниқланишича, кунига 10 дақиқа телефонда сўзлашувчилар бошқаларга қараганда тиннитусга 70 фоиз кўп чалинган.

Врачлар ҳамма гап мобил телефондан тарқётган микротўлқинларда деган фикрни илгари суришяпти.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг белгиланган меъёр ва қондаларга мувофиқлигини назорат қилиш истеъмолчилар талабини қаноатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги ва "Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида" ги қонунлари асосида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг жойларда қай даражада бажарилаётганлигига эътибор берилиши олиб борилаётган ишлар самарасини ошириши табиий.

Соҳага тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар рўйхати ҳар бир йўналиш бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилиб, Давлат алоқа инспекцияси билан келишилган ҳолда тасдиқланиб келинмоқда. Ушбу келишилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан жойлардаги бўлим ва бўлимларга етказилапти. Лекин ҳамкорликда ўтказилаётган ўрганиш ва режали текширишларда айрим ҳўжалик юритувчи субъектларда иш жойлари зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, амалдаги меъёрий ҳужжатларни ўқиб ўрганиш бўйича ўқув машғулотлар режаси тузилмаганлиги ҳамда ўқув машғулотлари ўтказилмаганлиги аниқланмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан жойларда фаолиятига тегишли бўлган лицензия шартлари, Давлат тармоқ стандартлари талаблари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаслик ҳолатлари кузатишмоқда.

Сурхондарё вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва Давлат алоқа инспекцияси ўртасидаги ҳамкорликда ишлаш бўйича имзоланган келишувга асосан Музработ ва Ангор почта алоқаси тармоқлари ҳамда ушбу тармоқларга тегишли бўлган 16та алоқа бўлимларида меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши ҳамда истеъмолчилар

ҳўжалик тармоқларида "Почта қонди"нинг 67-банди талаблари асосида бўлим бошлиғи (назоратчи ходим) томонидан 8-шакл дафтари текширилганлиги тўғрисида имзо қўйилиб, назорат олиб борилмаган. Музработ почта алоқаси тармоғида

МАҚСАД — хизматлар сифатини яхшилаш

янги амалга киритилаётган норматив ҳужжатлар бўйича 2009-2010 йиллар ўқув машғулотлари ўтказилмаган.

Музработ почта алоқаси тармоғи Гулистон алоқа бўлими, Ангор почта алоқаси тармоғи Хошман, Улуғбек ва Занг алоқа бўлимлари тарози билан таъминланмаганлиги аниқланди.

Юқориди қайд этиб ўтилган ҳолатлар бошқа туман ПАТ ва алоқа бўлим-

тини ошириш ва истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан имзоланган келишув режасига асосан "Сурхондарё Телеком" филиалининг Учқизил ва Олтинсой телекоммуникациялар боғламаларида ҳамкорликда ўрганиш ўтказилди.

Ўтказилган ўрганишларда телекоммуникация боғламалари томонидан қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Учқизил, Олтинсой ТБда ариза ва шикоятларни қайд қилиш дафтари йўриқнома талаблари асосида тузилмаганлиги, мурожаатчиларга жавоб хатлари жўнатилмаганлиги, боғламаларда хизматлар сифатини ошириш мақсадида сифат гуруҳи тузилмаганлиги, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаганлиги, 2009-2010 йиллар учун жорий таъмирлаш режаси ҳамда ходимлар билимини ошириш мақсадида

тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ўрганилган телекоммуникация боғламаларида ҳаво алоқа линияларида очик симларни бартараф этиш режалари бажарилмаганлиги аниқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли хатлар чиқарилиб, корхоналар томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, бугунги кунга келиб аниқланган камчиликларнинг 85 фоизи тузатилишига эришилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда вилоят Электроманит мослашув хизмати тахассислари билан ҳамкорликда Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудда олиш (сотиш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва фойдаланиш тартибига риоя қилиш устидан назоратни ташкил қилишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга асосан ноконуний қурилмалар ишлатилишининг олдини олиш мақсадида етти та тadbир ўтказилди.

Тadbирлар натижасида "Oil Exploration Operation" ширкати Сурхон инвестицион блоки томонидан 1

2009-2010 йиллар учун техник ўқув ўтказиш режаси ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

Сурхондарё вилоят ДАИ томонидан телекоммуникация боғламаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Берилган тавсиялар ва ўрганиш натижалари асосида камчиликларни бартараф этиш юзасидан телекоммуникация боғламалари томонидан тузилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уни назорат қилиш вилоят Давлат алоқа инспекциясида тақдим этилган бўлиб, бажарилиши назоратга олинган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида 2010 йил 19 феврал кунини Телекоммуникациялар тармоғи иш сифатининг 2009 йил якунлари бўйича ўтказилган селектор йиғилиши баёнининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Агентлигининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва вилоят Давлат алоқа инспекцияси билан ҳамкорликда телекоммуникация хизматлари кўрсатаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва мониторингини олиб бориш мақсадида 2010 йил учун ўрганишлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Ўрганишларда "Сурхондарё Телеком" филиалининг Учқизил, Узун, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун, Шеробод телекоммуникациялар боғламаларида ва "ЎИ-Термиз" филиалининг 2, 3, 4, 7-АТСларида магистрал кабелларнинг қуруқ ҳаво босими остига қўйилишида камчиликлар борлиги, хавфли кешималарнинг бартараф этилиши

дона Trimble HPB 450 русумли радиодемодан ЭМММдан тегишли рухсатнома олмасдан фойдаланилаётганлиги ва 65 донА Аlino русумли радиостанциялар ЭМММ томонидан ажратилган радиочастоталардан бошқа частоталарда ишлатилаётганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152-моддаси 1-қисмига асосан "Oil Exploration Operation" ширкати Сурхон инвестицион блоки бошлиғи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар ҳўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат алоқа инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 9-банди 2-хатбошига асосан почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг муайян турини тегишли лицензиясиз амалга ошираётган ҳўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш мақсадида тегишли органлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг ярим йили давомида олти та тadbир амалга оширилди. Тadbир жараёнида интернет хизматлари кўрсатаётган иккита субъект лицензиясиз фаолият олиб бораётганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар кўриш учун туман ва вилоят солиқ бошқармаларига тақдим этилди.

Юқориди келтирилган камчиликларнинг юзага келиши ходимларнинг соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукамал билмаслигидан ва ўз ишига эътиборсизлик билан ёндашилганлигидан дарак беради. Келгусида олиб борилаётган ишлар сифатига жиддий эътибор қаратилади ва юқориди қайд этилган камчиликлар қайта тақдорланмайди, деган умиддамиз.

Х.ШОНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти ДАИ бошлиғи

“**Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли хатлар чиқарилиб, корхоналар томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, бугунги кунга келиб аниқланган камчиликларнинг 85 фоизи тузатилишига эришилди.**”

ларида тақдорланмаслигининг олдини олиш мақсадида ўтказилган ўрганишлар натижалари почта алоқаси тармоқларининг масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилинди.

Камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг буйруғи билан интизомий жазо чоралари қўрилган.

Камчиликларни бартараф этиш бўйича Почта алоқаси тармоқлари томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва чора-тадбирлар режасининг бажарилиши вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан назоратга олинди.

Сурхондарё вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида "Ўзбектелеком" АК ва Давлат алоқа инспекцияси ўртасидаги ҳамкорликда телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ва хизматлар кўрсатиш сифа-

ҳўқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали ходимлари билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар жараёнида почта алоқаси тармоқлари фаолиятида амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилиши ҳолатлари, жумладан, нафақа пулларини яқин қариндошларига ишончномасиз тўлаш, мижозларга пул жўнатмалари келганлиги тўғрисида 22-шаклдаги иккиламчи хабарномалар етказиб бермаслик ҳолатлари, почта қутиларидан хатларни олишда белгиланган жавдалдаги муддатларга риоя қилинмаётганлиги, Музработ почта алоқаси тармоғи амалиёт залидаги почтачиларга бюртмали хатлар, хабарномалар ва бандеролларни 55-шакл дафтарида қайд қилинмасдан берилаётганлиги, 8-шакл дафтари юритилиши ўрганилганда, айрим бюртмали хатлар ўз эгаларига топширилганлиги тўғрисида белгилар йўқлиги аниқланди. Музработ ва Ангор по-

АКЦИЯ ОТ АДМИНИСТРАЦИИ ДОМЕННОЙ ЗОНЫ «UZ» «3=4»

Ко дню рождения Центра UZINFOCOM – 29 июля, Администрация доменной зоны «UZ» объявляет о запуске акции «3=4». 28 июля будет запущена ещё одна акция «Второй домен бесплатно», условия которой будут опубликованы в тот же день.

Акция «3=4»

Условия крайне простые. Всё что нужно, это в период с 20 по 29 июля зарегистрировать доменное имя в зоне «UZ» у одного из регистраторов, участвующего в акции, сроком на 3 года и получить от Центра UZINFOCOM еще 1 (один) год БЕСПЛАТНО. Таким образом, все, кто зарегистрировал доменное имя на 3 года в период действия акции, получают в итоге регистрацию на 4 года.

В акции могут участвовать только резиденты Республики как физические, так и юридические лица. Под условия не попадают администраторы доменных имен, продлевающие свои доменные имена, а также нерезиденты Республики Узбекистан.

Период действия акции: с 20 по 29 июля.

Напомним, что Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM, был основан 29 июля 2002 года. Начиная с 2003 года, Центр является Администратором доменной зоны «UZ», согласно подписанного «Соглашения о спонсорстве

ccTLD» между Центром UZINFOCOM и Корпорацией по назначению имен и адресов Интернета (ICANN). С того времени Центр, в лице Администрации доменной зоны «UZ», принимает меры по децентрализации и улучшению качества предоставления услуг по регистрации и поддержке доменных имен. Например, Администрацией доменной зоны «UZ» предприняты меры по усилению конкуренции на доменном рынке, установлен запрет на перепродажу доменных имен, а работа по управлению национальным доменом осуществляется открыто, с участием регистраторов, пользователей и всех заинтересованных лиц. Также, Администрация доменной зоны «UZ» предлагает ряд бесплатных сервисов для владельцев доменных имен, чтобы было возможно следить за состоянием своего домена, сроком регистрации и т.д.

Всю информацию о проводимых акциях можно найти на сайте www.cctld.uz в разделе «Акции». А также на uForum.uz в разделе «Домены UZ».

В домене «UZ» всегда хорошие новости!

Настольная лампа

с доступом в интернет

На «Конкурсе инноваций Тони Старка», организованном американским отделением Audi, главный приз получил аспирант Массачусетского технологического института (MIT) Натан Линдер, создавший LuminAR – настольную лампу для доступа в интернет.

«Интернет-лампа» состоит из подставки и портативного видеопроектора с видеокамерой, размещенных на штатге.

Проектор проецирует изображение на поверхность (например, стола), а камера следит за движениями рук пользователя. В результате любая плоская поверхность может быть одновременно и дисплеем, и тачскрином, и клавиатурой.

В Японии придумали охладитель подключаемый к компьютеру

Компания Thanko предложила оригинальный способ борьбы с жарой в офисе.

Thanko выпустила подушку USB Seat Air, которая посылает струи прохладного воздуха в направлении ягодиц ее хозяина.

USB Seat Air укладывается на сиденье офисного кресла и подключается к компьютеру через USB-порт (длина кабеля – 1,48 м). Поток воздуха создает прикрепленный к подушке вентилятор размером 14 см x 18 см. Управлять вентилятором можно с помощью переключателя, расположенного на кабеле.

Человеческая память слабеет из-за телефонов

Около 23 млн. жителей Великобритании не помнят мобильный номер своего партнера, а примерно 30 млн. человек не смогут позвонить лучшему другу, если под рукой не окажется адресной книги. Такие данные показало исследование проведенное компанией ResearchNow.

Исследователи также полагают, что мобильные телефоны, которые могут хранить в памяти тысячи номеров, в худшую сторону сказались на способности людей к запоминанию.

➤ О РОДНОМ ТУИТе

Похорошел, стал красив

Мы, выпускники первого выпуска ТЭИС, (ныне ТУИТ) собрались на встречу по случаю 50-летия окончания родного ТЭИСа.

В далеком 1955 году нас поступало на первый курс 150 человек и 30 резервистов. Окончили институт 313 специалистов с квалификацией инженеров электросвязи и по направлениям разбегались в разные города Средней Азии, Казахстана и России. Многие из наших выпускников долгое время работали на ответственных и руководящих постах: Н.Ф. Шаповалов — начальником Иркутского ОПТУС, ныне он Президент Ассоциации предприятий связи Сибири и дальнего Востока, В.Г. Дурнев — начальником УРКиУЗа Министерства связи СССР, Л.И. Попов — главным инженером Алма Атинского ОПТУС, Р.С. Рысин — главным энергетиком Львовского почтамта, Л.Б. Аскин — доцент в КЭИСе, д.т.н. М.Н. Арипов — проректором по научной работе ТЭИС, доцент С.Х. Мурадов — преподавателем ИПК по связи, доцент В.Я. Сперин зав. кафедрой РРЛ ТЭИС, доцент И.Р. Берганов — зав. кафедрой МЭС, ТЭИС. Этот перечень можно продолжать.

Годы учёбы для нас были не только интересными, но и трудными. Мы постоянно испытывали недостаток в учебной и научно-технической литературе, штат преподавателей был не до конца сформирован, большие сложности ждали нас в связи с отсутствием достаточных аудиторных площадей (на базе Ташкентского политехникума связи). Но как было интересно. Нас учили не только технической грамоте по избранной специальности, но и учили быть внимательными, вежливыми, грамотными. В нашем становлении как специалистов принимали участие преподаватели-наставники Х.З. Баскина, М.Г. Гендлер, Р.И. Мансуров, Х.С. Мансуров, М.Э. Кирковская-Рунская, К.Н. Яковлев, Ш.А. Лихтарёв, Н.Н. Ликонцев, М.Г. Баркакова, П.Т. Нижник и многие другие. Из Ленинграда, Москвы и Одессы к нам приезжали читать лекции специалисты-связисты: профессора Н.В. Сихлетин,

О.И. Иванова, доценты: З.С. Коханова, М.И. Лившиц, Р.А. Аваков, Е.Д. Милавидов, И.С. Андреев, Г.Г. Тихомиров, и многие другие.

В связи с неуклюжестью штата преподавателей ТЭИС некоторые из выпускников первого выпуска были по распределению оставлены для работы в ТЭИСе. Они по 30-40 лет и более проработали преподавателями на разных кафедрах, сохраняя традиции своих первых преподавателей-наставников: добросовестность, честность, справедливость и порядочность. Работая в ТЭИСе многие из них добились больших успехов: З.Э. Русинкевич — Почётный радист, доцент, к.т.н. В.Я. Спириин, И.Р. Берганов, А.Г. Вишневецкий и другие.

Библиотечный фонд ТЭИС в первые годы функционирования был бедным и нам приходилось устраивать групповые самостоятельные занятия для изучения той или иной литературы. Об информации из интернета тогда не было и речи.

За время учёбы нас учили не только овладению специальностью, но для всех было обязательным прохождение военной подготовки. Мы проходили строевую подготовку, изучали военную проводную и радио аппаратуру, а также выезжали на сборы.

Трудовую закалку мы получали, принимая участие в ежегодных выездах на сельхозработы (сборхлопка), поднимали целину в составе сводного союзного студенческого строительного отряда в Акмолинском районе Казахстана.

Разъезжаясь на работу в разные уголки бывшего СССР, мы дали клятву встречаться каждые пять лет, делиться достигнутыми успехами в трудовой деятельности и личной жизни. Слово мы сдержали и встречались каждые пять лет. Вот и в этом, 2010 году, мы встретились в июне солидные, убеленные сединами, имеющие внуков и даже правнуков. Нам университет оказал тёплую встречу, за что от имени всех первых выпускников института благодарим руководство университета за тёплые и добрые слова, сказан-

ные нам на встрече ректором проф. С.С. Касымовым. Было очень приятно внимание родного ВУЗа.

За последние несколько лет многое кардинально изменилось. Институт похорошел, укрепилась его лабораторно-техническая база, на большинстве кафедр учебные занятия проводятся на базе новейшего оборудования, в том числе поставленного зарубежными фирмами. Заметно улучшилось оснащение библиотеки и лабораторий кафедры компьютерной техникой, что позволяет ввести элементы компьютеризации в учебный процесс при обучении и контроле знаний студентов по современным методикам.

Научно-технический прогресс, в особенности в развитии информационно-коммуникационных технологий, вносит свои коррективы. Сейчас трудно провести грань между чистым связистом и специалистом системы телекоммуникационной отрасли. Вот и наш институт сейчас не институт связи, а университет, где изначально подразумевается подача студентам более, расширенных, а не узкоспециализированных знаний.

Хочется также отметить, что университет похорошел, стал красив снаружи и внутри, особенно наряден актовый зал. Во всем этом видится большая заслуга спонсоров и руководства университета.

Мы рады успехам коллектива ТУИТ в деле подготовки специалистов высокого уровня.

Выпускники первого выпуска в силу обстоятельств, проживают во многих уголках земного шара, но благодаря современным телекоммуникациям, мы поддерживаем виртуальную связь и периодически общаемся с однокурсниками, проживающими в США, Канаде, Израиле, Германии, Италии и конечно, со многими проживающими в разных городах бывшего СССР.

По поручению выпускников инициативная группа:
И.Р. БЕРГАНОВ, А.В. КАН, В.Я. МЛЫНЕЦ,



СТИВ ЖОБС:

- ✓ Стивен Пол Жобс – 1955 йилнинг 24 февралда АҚШнинг Калифорния штати Маунтин-Вью шаҳрида туғилган.
- ✓ Пол ва Клара Жобслар оиласида тарбия топган.
- ✓ Отаси — асли келиб чиқиши сурялик Абдулфаттоҳ Жон Жандалий. Онаси — Жоан Кэрл Шибле.
- ✓ Айна пайтда Apple бошқаруви директори, шунингдек, Уолт Дисней Директорлар кенгаши аъзоси.
- ✓ «Fortune» журнали Стив Жобсни 2007 йилнинг энг яхши тadbиркори дея эълон қилган.
- ✓ АҚШнинг энг бой кишилари рўйхатида (Forbes) 2009 йили 5,1 миллиард доллар билан 43-ўринни, жаҳоннинг энг бой кишилари рўйхатида (Forbes) 2010 йили 5,5 миллиард доллар билан 136-ўринни эгаллаган.

Йўқотилган вақтни топган инсон

Яқинда бир қарашда бир-бирига мутлақо алоқаси йўқдек кўринган икки воқеа юз берди: биринчидан, Apple жаҳон компютер тижорати саркори Microsoftни орда қолдириб, ахборот технологиялари соҳасидаги энг йирик компанияга айланди, иккинчидан, Жон Скалли бундан 25 йил муқаддам Стив Жобсни қандай қилиб ишдан бўшатишгани ҳақида журналистларга сўзлаб берди.

Турган гапки, кўпчилигингиз Стив Жобс Apple компанияси асосчиларидан бўлганини билсангиз керак, бироқ кейинчалик уни ишдан бўшатишгандан хабардормисиз? У орадан 12 йил ўтиб, Купертинодаги ишлар оғирлашгандан-оғирлашган бир шароитда яна компанияга ёрдамга қайтди.

Бугун, компания ўзи орзу қилган порлоқ келажакка қадам қўйган бўлса-да, кўпларни бир савол қийнайди: «Агарда 1985 йили Стив Жобс ишдан бўшатилмаганида Аррленинг тақдирини қандай кечарди?». Жон Скалли Жобснинг кетишига бевосита сабабчи бўлган инсон. Ушанда 1985 йилнинг баҳори бўлиб, Apple Computer Директорлар кенгаши энди компания Стив Жобснинг хизматига муҳтож эмаслиги ҳақида қарор чиқарганди.

Жон Скалли бир пайтлар машҳур Перси компаниясини бошқарган, 1983 йили Директорлар кенгаши уни Жобсга «кўз-қулоқ» бўлиб туриши учун Apple бош директори лавозимида ишлашга кўндирди. Скалли савдоси бароридан келмаётган

Apple

- ✓ Стив Жобс, Стив Возняк ва Роналд Уэйни томонидан 1976 йили асос солинган.
- ✓ Купертино (Калифорния)да жойлашган.
- ✓ Асосан компютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, плеерлар, мобил телефонлар чиқаради.
- ✓ 2009 йилги маҳсулот айланмаси 42,905 миллиард долларни ташкил этди ва 8,235 миллиард доллар соф фойда олинди.
- ✓ Ходимлари сони – 34300 киши (2009 йил IV чораги).

Macintoshлар савдосини тиклаш ёки бошқача айтганда, Жобснинг ўзбошимчилигига чек қўйиб тизгинни ўз қўлига олишга уринди. Бироқ улар «бир қозонда қайнай олишмади» ва Скалли Жобсга катта кўчани кўрсатиб қўйди...

Бугун Скалли Apple қандай ютуққа эришган бўлса, барчасида Жобснинг хизматлари катта бўлганини эътироф этмоқда. Унинг айтишича, улар қарийб 20 йил бир-бирлари билан гаплашишмаган, шунга қарамасдан, Стивдаги раҳбарлик лаёқатини ҳурмат қилишини билдирган.

Чорак аср илгари Жобснинг компаниядан кетказилиши жуда катта хато бўлганига энди барчамиз гувоҳимиз. 1997 йили компанияга қайтган Жобс озмунча муваффақиятга эришди: жаҳондаги энг обрўли раҳбарлардан бири, унинг қўл остида чиқарилаётган маҳсулотлар

(iPhone, iPod, iPad) бутун бошли соҳаларда катта ўзгаришларга сабабчи бўляпти.


Скалли 25 йил олдинги воқеага бор масъулиятни бўйнига олади, лекин Директорлар кенгаши Жобснинг кўнгилдагидек фаолият юртиши учун имконият яратиб бериши шарт эди дейди. У ўзининг энг катта хатоси дея уни ҳам ишдан бўшатишга Жобсни Appleга қайтаришга уринмагани деб ҳисоблайди.

Аррленинг Стив Жобс кетгандан кейинги фаолияти юксак чўққини забт этиш истагидаги ўжар алпинистнинг бесамар уринишларига ўхшайди. Компаниянинг 1985 йилдаги йиллик ҳисоботи муқовасида «ажойиб» жумлаларни ўқиймиз: «Кескин чоралар қўлашимизга тўғри келди. Шундай қилдик ҳам. Улар натижа беряпти». Ҳисобот кўплаб сохта ҳужжатлар, Скаллининг қўлёзма шарҳларидан йиғилган бўлиб, уларда компанияни

қайта ташкил этиш ҳақида сўз боради.

Эътироф этиш керакки, 30 ёшли Жобснинг гоғялари бугунгидан-да ишончли ва теранроқ бўлган. 1985 йили ҳатто энг етук муҳандисларда ҳам «уй компютерлари»да нима иш бажариши борасида тасаввур йўқ эди. Бу компютерлар нари борса матн терувчи восита ва пазандалик рецептлари маълумотлар базаси вазифасини бажаради деб ўйлашган. Жобснинг фикрича, худди биринчи велосипедлар техник прогрессда муҳим рол ўйнагани каби, технологиялар ҳам инсон мияси кучига куч қўшиши лозим эди. Демак, аён бўляптики, унинг Apple маҳсулотлари ҳақидаги қарашлари ўз давридан анча илгарилаб кетганди, бу эса ҳамма нарсани пулда ўлчайдиган акциядорлар учун етарли далил бўла олмаган.

Орадан чорак аср ўтди, Жобсга истеъфо берган Директорлар кенгаши аъзоларининг ўзлари энди Аррлени тарк этишган. Скаллининг айтишича, ҳозир Аррленинг энг гуллаган даври ва бу компанияга асос солинган пайтдан ўзгармай келаётган Стив Жобснинг иш усуллари ва тамойиллари самараси. Журналистларга интервьюси якунида Жон Скалли башорат қилди: Apple нафақат қиймат борасида Microsoftни орда қолдиради, балки яна анча ўзиб кетади. Бу сафар у ҳақми-йўқми, вақт кўрсатади.




Қизиқарли фактлар:

- ✓ Стив Жобс энг кам маош олувчи раҳбар сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган (расмий ҳужжатларга кўра, унинг компаниядаги йиллик маоши – 1 доллар).
- ✓ Стив Жобсга Apple компанияси нархи 43,5 миллион долларлик Gulfstream реактив самолётини совға қилган.
- ✓ У бошқарадиган Mercedes SL55 AMG автомобилнинг давлат рақами йўқ (айтишларича, бунинг ўрнига у штрих-коддан фойдаланади).
- ✓ Компания номи инглизча apple – «олма» сўзидан олинган бўлиб, бу унинг логотипида ҳам аксини топган. «Macintosh» компютерлари номи ҳам АҚШда оммалашган олма нави номидан олинган.
- ✓ Стив доим бир хил кийинади – қора водолазка, Levi's жинсилари ва New Balance кроссовкалари.

Жорий йилнинг 5 июлидан бошлаб республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида "Замонавий ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш" бўйича ўқув курслари ўқитилиб келинмоқда. Бу борада Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида ҳам бу илм зиёсини аҳолига тарқатиш кенг йўлга қўйилган.

Камарбастамиз



Қарши Давлат университети қошидаги Шахрисабз академик лицейида ўқув курси ташкил қилиниб, аҳолининг турли ёш ва касбдаги қатламларига сабоқ берилмоқда. Таълим маскани компьютер синф хоналари, ахборот-ресурс маркази, интернет тизими ва ахборот технологияларининг барча жиҳозлари билан таъминланган. Барча имкониятлардан фойдаланиб, ўқув курсини мазмунли ўтишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада ҳамсабоғим Нурбек Мавлонов алоҳида жонбозлик кўрсатяпти.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича "Ахборот технологиялари асослари", "Интернет технологиялари асослари" каби назарий машғулотлар, "Windows XP амалиёт тизимидан фойдаланиш", "Microsoft Word матн муҳарририда ишлаш", "Интернет ва Internet Explorer дастурида ишлаш", "Электрон почта ва Outlook Express дастуридан фойдаланиш" каби амалий машғулотлар иштирокчиларни, айниқса, қизиқтирмоқда.

"Ахборот технологиялари асослари"дан назарий машғулотда ахборот, унинг аҳамияти ва турлари, ахборот технологияларининг турлари, жамиятда ва кундалик

ҳаётимизда тутган ўрни, Ўзбекистонда АКТнинг ривожланиш истиқболлари, алоқа воситалари ва коммуникация, телефон, мобил алоқа ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш ҳамда маълумотлар алмашиш, компютерларнинг турлари, авлодлари ва ривожланиш босқичлари, вазифаси ва автоматлаштиришдаги ўрни, тузилмавий қўриниши, ахборотларни сақловчи ва ташувчи воситалар, мультимедиа воситалари ва уларнинг аҳамияти, аудио ва видео материаллардан фойдаланиш каби маълумотлар билан аҳолининг ахборот технологиялари билимларини бойитмоқдамиз.

"Интернет технологиялари асослари" назарий машғулотида интернет тармоғи ва унинг ташкил этилиш жиҳатлари, ривожланиш босқичлари, интернет провайдерлари, интернет тармоғи хизматлари, веб-браузерлар ва веб-саҳифалар, электрон почта хизмати ва унинг имкониятлари, Ўзбекистонда интернет тармоғининг ривожланиш истиқболлари, Миллий интернет ресурслари, WWW.UZ — миллий қидирув тизими, интернет, радио ва телевидение, Ўзбекистонда интернет

тармоғи орқали кўрсатиладиган интерфаол хизмат турлари ҳамда интернет тармоғининг имкониятлари, Давлат ҳукумати ва бошқарув органлари веб-сайтларидан фойдаланиш қоидалари ва тартиблари ҳақида батафсил маълумот бераймиз. Ўқув давомида курс қатнашчиларининг ҳар бири ўзларининг шахсий электрон почталарини очишди.

Курс давомида юқоридагилардан ташқари, "Баркамол авлод тарбиясида ахборот-коммуникация ва интернет технологияларининг ўрни", "Компютерда ишлашнинг эргономик асослари", "Электрон рақамли имзо ҳақида", "Windows иш столи билан мулоқот қилиш", "Файллар билан ишлаш", "Антивируслардан фойдаланиш учун кўрсатмалар", "e-mail билан ишлаш" каби тақдимот ўқув ишланмаларидан самарали фойдаланилапти.

Курслар давом этмоқда, бундан-да кўпроқ муваффақиятларга эришиш орзусидамиз. Она юртимиз, халқимиз хизматига доимо камарбастамиз.

Феруза ОЧИЛОВА,
ТАТУ Қарши филиали
3-босқич талабаси

Оромгоҳда мириқиб...

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган шартномада почта тизимида ишлаётган ходимларнинг фарзандларини ёзги таътил даврида оромгоҳларда дам олдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда вилоятнинг сўлим оромгоҳларидан бири — "Миронкўл"да почта ходимларининг 13 нафар фарзанди дам олишмоқда.

Дам олиш масканида барча шартшароитлар мавжуд бўлиб, болаларга берилётган таомлар сифати аъло даражада, ётоқхоналар бекаму кўст жиҳозланган ва болаларнинг иссиқ пайтларда мириқиб чўмилишлари учун бассейн мавжуд, табиат қўнига саёҳат ташкил этиляпти.

Ота-оналар оромгоҳдаги шароит, хоналар тоза ва озодлиги ҳамда болаларнинг яхши дам олаётганлигини кўриб мамнун бўлишмоқда.

Р.ОЧИЛОВ,
Жума почта алоқаси тармоғи
касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Хизмат кўрсатиш юқори поғонага

— Мен бунга яхши кўраман, — деди компютерни кўрсатиб. — Мирдан-сиригача билиб олгим келди. Жуда-жуда қизиқман ва очинини айтсам, озгина кўрқаман ҳам...

Қизгина ўшанда филиал қошидаги малака ошириш курсида ўқирди. Тезкор операторлар бир ойлик ўқув жараёнида компютер бўйича анча саводдон бўлиб қолишди. Ҳозир улардан компютерда ишлаш қалай экан десангиз, жавоби аниқ — зўр!

Хов қизгина эса «Ундан энди ҳайқмайман. У яқин дўстимдай азиз ва қадрдон», — дейди гурур билан.

Бундан уч йил аввал компютерда ишлашни биладиганлар бармоқ билан санарли бўлса, энди аксинча. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва сони тинмай ошиб бормоқда.

Яқинда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан Фарғона филиалига яна 34та компютер берилиши айтилган бўлди. Филиалда ва почта алоқаси тармоқлари ва бўлимларида компютерлар сони 160тадан ошиб кетди.

— Ахборот технологиялари негизда янги сервис хизматларини кўрсатиш учун 34та сўнги нусхадаги компютерларни қабул қилдик. Ҳар бир почта алоқаси тармоғида биттадан ва яна 14 та алоқа бўлимида автоматлаштирилган ишчи ўринлари яратилди, — дейди филиал почта алоқаси тармоқларини автоматлаштириш бўлими етакчи мутахассиси Дилмуроджон Жўраев.

Демак, вилоят аҳолисига почта хизматларини кўрсатиш маданияти янада юксалади.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг
Фарғона вилоятидаги мухбири

Келажакка интилиб...

ТАТУ Урганч филиалининг "Бунёдкор ёшлар" ўқув отрядлари Хоразм ва Навоий вилоятларида фаолият олиб борапти. Жумладан, "Бунёдкор ёшлар" отрядлари ёрдамида аҳолини замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари билан таништириш ва уларда амалий фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича шу йилнинг 5 июлидан 5 августга қадар ўқув-тренинг курслари ташкил қилинади.

Дастлабки ўқув машғулоти жорий йилнинг 5-9 июл кунлари Хоразм ва Навоий вилоятлари касб-хунара коллежларида бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти бўйича касб-хунара коллежларининг 11тасидан жами 182 нафар тингловчи қатнашди.

Навоий вилоятидаги ўқув курсларида эса бта тумандан жами 101 нафар тингловчи иштирок этди. Машғулотлар вилоят маркази, шаҳар ва туманлардаги академик лицей, ўрта-махсус касб-хунара коллежлари компютер синфларида ўтказилди.

Келгуси ўқув машғулотларини маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиш режалаштирилган. Талабаларнинг бу филолийлиги таҳсинга лойиқ. Келажакимизнинг пойдевори бўлган ёшлар ўзларига бўлган ишончнини янада мустаҳкамлаб, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшаётганидан бахтиёрлар.

А.МАТНЇЗОВ,
ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси,
О.АЛИЕВ,
талаба

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — асосий дастуриламал

Маълумки, жамоа шартномалари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбага онд муносабатларни нафақат тартибга солувчи, балки уларнинг барқарорлигини таъминловчи муҳим ички меъёрий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳам, тузилмасини ҳам тобора такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи такозо этаётти.

“Бухоро Телеком” филиалида маъмурият ва виллоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган Ягона жамоа шартномасининг 2010 йил биринчи ярмидаги бажарилиши муҳокама қилинган йиғилишда сўзга чиққан ушбу кўмита раиси Олия Шукрулаева ўтган даврда шартнома бандларини бажариш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Бугунги кунда филиал ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 214,5 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу — Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5,7 баробарига тенг. Ойлик иш ҳақининг ўтган йилга нисбатан 1,2 бараварга ошган ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитасининг доимий эътиборида эканидан далолат беради.

Бундан ташқари, ходимларга ҳар ойда маошларига қўшимча равишда 84,4 минг сўмдан тўланганлиги, йил давомида иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб борилганлиги, юқори касб маҳорати, байрам кунлари ва тунги сменادا ишлагани, соҳадаги узоқ йиллик меҳнати учун ходимларга қўшимча ҳақ тўланганлиги ягона жамоа шартномаси бандла-

рини бажаришга жиддий ёндашилганлиги самарасидир.

Ходимларни яқка тартибдаги ҳимоя воситалари, махсус кийим ва пойабзал билан таъминлаш, иш жойларини, меҳнатнинг хавф-хатарсиз қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича ҳам бир қатор ишлар белгилаиб, изчил амалга ошириб келиняпти.

Ишловчилар ва уларнинг болаларини соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга ҳам катта эътибор берилляпти. Алоқа ходимларидан 379 нафар киши буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ жойларда зиёратда бўлишди. Ана шу мақсадлар учун касаба уюшмаси ҳисобидан 6650,0 минг сўм маблағ сарфланди.

Филиалда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Баркамол авлод йилига бағишланган мини-футбол баҳсларида алоқа корхоналарининг 10та жамоаси иштирок этди. Навқирон авлод вакилларидан 8 нафари Бухоро шаҳри телекоммуникациялар боғла-масига, 2 нафари эса “Бухоро Телеком” филиалига квота билан ишга жойлаштирилди.

Маъруза юзасидан музокараларда “Бухоро Телеком” филиали бошлиғи Абдурахмон Шобоев, Ромитан туман

телекоммуникациялар боғламаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Салим Асадов, “Бухоро Телеком” филиали меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича етакчи муҳандиси Наби Иброҳимов, Қоракўл туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Шариф Бозоров ва бошқалар иштирок этиб, ўз меҳнат жамоаларида жамоа шартномаси ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритдилар, бир қатор амалий таклифларни ўртага ташладилар.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Бухоро филиалида жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган йиғилишда ҳам унинг иштирокчилари шартнома бандларида кўзда тутилган вазифалар ижросини таҳлил этиб, галдаги ишлар кўламини белгилаб олдилар. Таъкидлаш жоизки Бухоро филиали ҳамда виллоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2009-2011 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатиб турибди. Филиал ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 215,5 минг сўмни ташкил этаётти. Бу — мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 5,7 бараварига тенгдир. Виллоятдаги барча почта алоқаси тармоқларида меҳнат қилаётганлар жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан баҳраманддилар. Юқори касб маҳорати учун 91 нафар ходимга

жами 20186,0 минг сўм, соҳадаги узоқ йиллик меҳнати учун 506 нафар ходимга 70719,6 минг сўм, кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган 86 нафар ходимга эса жами 1445,0 минг сўм тўланганлиги сўзимиз исботидир. Жамоа шартномасига мувофиқ, тегишли тоифадаги ходимларга ҳам бир қатор моддий ёрдам пуллари ҳам тўлаб келинмоқдаки, бу ҳам, ўз навбатида, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда, пировардида эса меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишда, шу тариқа аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга почта хизмати кўрсатишни яхшилашда муҳим омил бўляпти.

Виллоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонасида жамоа шартномасининг 2010 йилнинг биринчи ярмидаги ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам бажарилган ишларга ҳолисона баҳо берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раисининг ўринбосари Эршод Юсулов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги виллоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жамшид Худоёров сўзга чиқдилар.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг

Бухоро виллоятидаги мухбири

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Навоий виллояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг 2004-2010 йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди.

Йиғилишда бирлашган касаба уюшмаси таркибидаги “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали, “Навоий Телеком” филиали, “Ўздунробита”, “Алокабанк”, “Матбуот тарқатувчи”, Радиотелевизион узатиш маркази, Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси, Ахборот-клубхона маркази каби бта бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси, 20та цех касаба уюшмаси кўмитасида хисобот даврида амалга оширилган ишлар тилга олинди.

Ўтган йиллар мобайнида касаба уюшмалари ходимларининг кундалик ҳаётидаги манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ижтимоий ҳимоя, хавфсиз ва қулай иш шароитларини яратиш, меҳнатга яраша иш ҳақи тўланиши, муносиб дам олишни ташкил этиш ҳам касаба уюшмаларининг долзарб ва муҳим вазифаларидан эканлигига амал қилинди.

Аъзоларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий, маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ҳимоя қилиш диққат марказида бўлди.

Соғлом турмуш тарзи, спортга эътибор туфайли почта ва телеком корхоналари томонидан стол теннисини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшилди,

шаҳар ва туманлар алоқа корхоналари зарур спорт анжомлари билан таъминланди. Меҳнат фахрийларини эъзозлаш, кексалар аҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш яхши анъанага айланган.

Шунингдек, алоқачиларнинг фарзандларига ғам-хўрлик қилиш ҳам асосий эътиборда бўлди. Ўтган йиллар мобайнида болаларнинг Тошкент виллояти Бўстонлик туманида жойлашган “Алоқачи”, “Нилуфар”, Қизилтепадаги “Дўстлик”, “Нимкон”, Томди туманидаги “Пўлкан”, Бухоро шаҳридаги “Ёш алоқачи”, Жиззах виллояти Зомин туманида жойлашган “Алоқачи” болалар оромгоҳларида дам олиши таъминланди. Баркамол авлод йилида ҳам алоқачиларнинг 207 нафар фарзандини республикамизнинг хушманзара ва сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларида соғломлаштириш режалаштирилган. Режа ортиги билан бажарилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Алоқачиларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари, республикамизнинг муқаддас қадамжоларига ташкил этилган саёҳатларда ҳам касаба уюшмаси кўмитасининг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Муҳаббат Норқулова Навоий виллояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раислигига қайта сайланди.

Маруса ҲОСИЛОВА,

“Хабар”нинг

Навоий виллоятидаги мухбири

SHUKRONA

Дўст ила

обод уйинг...

Нафакага чикканимга анча бўлди. Лекин мени ҳамкасбларим унуттишмабди.

Яқинда касалхонага тушиб қолдим. Шифокорлар жарроҳлик амалиёти ўтказишди. Жарроҳлик амалиётидан кейин мендан хабар олиш учун туман почта алоқаси бошлиғи Ўразали Еримбетов, касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олтин Зоировалар бошлиқ бир гуруҳ ҳамкасбларим палатага кириб келишганида кўксим тоғдай кўтарилди.

Шунингдек, собиқ ҳамкасбларим Ойимжон Исмоилова, Калбика Хўжамуродова, Убайдулла Абдуқодиров, Дастангул Оллоёрова ва бошқалар тез-тез хабар олиб туришди. Мен уларнинг барчасидан миннатдорман.

Оилам бағрига эсон-омон қайтиб келдим.

Инсонпарвар ва олижаноб касбдошларим, сизларга бир умр таъзим қиламан, меҳр-оқибат барчамизнинг қалбимизни тарқ этмасин, дейман.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
нафақадаги алоқачи

Рекорд даражада арзонлашди

“МТС-Ўзбекистон” компанияси янги иккита «Интернет 2000» ва «Интернет 5000» GPRS-пакетлари ишга туширилишини ҳамда мавжуд GPRS-пакетларда нархларнинг рекорд даражада арзонлаштирилишини маълум қилади.

“МТС-Ўзбекистон” компанияси мобил интернетнинг фаол фойдаланувчиларига мўлжалланган таклифлар рўйхатини кенгайтирмоқда. 15 июлдан “МТС-Ўзбекистон” абонентларига GPRS-Интернет хизматига сарфланадиган харажатларни самарали тежаш имконияти берилмоқда. Энди абонентларга интернет-трафикнинг янада арзонлаштирилган GPRS-пакетлари таклиф этилмоқда. Абонентлар етти GPRS-пакетдан ўзларига мосини танлаб олишлари мумкин:

GPRS-Интернет пакетлари	GPRS-Интернет трафик ҳажми	Пакет нархи
«Интернет 25»	25 Мб	\$1,5
«Интернет 50»	50 Мб	\$2,75
«Интернет 100»	100 Мб	\$5
«Интернет 500»	500 Мб	\$11
«Интернет 1000»	1000 Мб	\$16
«Интернет 2000»	2000 Мб	\$20
«Интернет 5000»	5000 Мб	\$45

Битта рақамга бир вақтда иккитагача GPRS-пакетни улаш мумкин. Ҳар бир пакетнинг амалда бўлиш муддати фаоллаштирилган кундан бошлаб 30 кун.

Пакет нархи фаоллаштирилганда олинади.

MMS/WAP/GPRS хизматларидан фойдаланиш учун мобил телефонни созлаш керак. «Созлаб ол» бепул хизматининг қисқа 0876 рақамига кўнгирак қилиб, автоматик созлашларни олиш мумкин.

«МТС-Коннект»да нархлар арзонлашди

2010 йил 15 июлдан бошлаб «МТС-Коннект» тариф режасидан фойдаланаётган ва барча янги уланган абонентлар учун 1 Мб интернет-трафик нархи 10 центдан 4 центга арзонлаштирилди. Бундан ташқари, «МТС-Коннект» тарифида GPRS-MMS+WAP+INTERNET хизматидан фойдаланганда абонент тўлови олинмайди, хизматнинг ўзи эса автоматик равишда ёқилади.

Таъкидлаш лозимки, 2010 йил 31 августга «МТС-Коннект» тариф режасига уланган барча абонентлар бепул «Интернет 25» GPRS-пакетига эга бўладилар. Ушбу тариф режасида Ўзбекистон бўйича барча қирувчи кўнгираклар мутлақо бепул, тармоқ ичидаги чиқувчи барча кўнгираклар эса \$0,02 (1 дақ. учун). «МТС-Коннект» тариф режасида абонент тўлови кунига – \$0,02.



UCCELL: “Уланинг ва ютинг!” акцияси якунланди

COSCOM МЧЖнинг Марказий савдо ва хизмат шахобчасида “Уланинг ва ютинг!” акциясининг якуний ғолибларига совринлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мамаклатимизнинг турли вилоятларидан келган абонентларга савгалар — UCell телефонлари, плазма телевизорлари ва Туркияга саёҳат йўланмаси топширилди.

Маълумки, мазкур акция жорий йилнинг 10 май кuni бошланган ва акция шартларига кўра, ҳар 1000-абонент Ўзбекистон бўйлаб сўзлашув учун 1000 бепул дақиқа-

га, ҳар 5000-абонент UCell телефонига, ҳар 10000-абонент Samsung плазма телевизорига, ҳар 50000-абонент икки кишилик Туркияга саёҳат қилиш имкониятига эга бўлиши кўрсатилган эди. Акция 30 июнда ўз якунига етди.

Акцияда 696 836 абонент иштирок этди. Улардан ҳар минггачиси 1000 бепул дақиқа, 70 абонент — UCell телефонлари, 56 абонент — Samsung плазма телевизорлари ва 13 абонент — Анталия курортларида 7 кунлик икки киши учун сафарни ютиб олдилар.

— Компаниямизни ўз уяли алоқа оператори сифатида танлаган барча инсонлардан биз жуда миннатдормиз, — деди UCell компаниясининг Бош директори Оғуз Мемиянов.

— Мен ушбу совринлар ғолибларга топширилганидан бахтиёрман ва шунинг таъкидламоқчиманки, биз ўз абонентларимизни янада янги ва яхши хизматлар, акциялар ва совринлар билан хушнуд қилиб бораверамиз.

Акция ғолиблари ҳам, ўз навбатида, UCell компаниясига, унинг фаол иши ва қизиқарли таклифлари учун миннатдорчиликларини изҳор этдилар.



“Билайн”: Миллионерлар рўйхати яна тўлдирилди

“Билайн” ягона алоқа оператори компаниянинг янги ва амалдаги абонентлари учун ўтказилган суперакциянинг янги натижаларини маълум қилди. 2010 йилнинг 9 июл кuni FM 101 “Ўзбегим таронаси” радиосининг жонли эфиринда яна етти абонент “Билайн”дан бир миллиондан ютди.

Ютуқлар ўтказилаётган вақтда комиссия аъзолари билан бирга “Билайн”дан миллионлар кимлар-

га насиб қилишини аниқлаш учун хонанда Шаҳнозабону жалб қилинди. Бу сафар миллионлар Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги етти нафар абонентга насиб қилди.

Мобил телефон рақамларининг охиригича учта сони XXX X276, XXX X102, XXX X782, XXX X452, XXX X590, XXX X400, XXX X907 билан тугайдиган “Билайн” абонентлари SMS-пакетларга эга бўлишди.

GPRS-пакетлар телефон рақамларининг охиригича тўртта сони XXX 3276, XXX 5102, XXX 9782, XXX

9452, XXX 0590, XXX 3400, XXX 4907 билан тугайдиганларга насиб қилди.

\$50 номиналдаги “олтин” рақамлар мобил телефон рақамларининг охиригича бешта сони XX0 3276, XX7 5102, XX5 9782, XX5 9452, XX7 0590, XX2 3400, XX6 4907 билан тугайдиган “Билайн” абонентларига берилди.

Ниҳоят, \$300 номиналдаги “олтин” рақамлар мобил телефонлари рақами X10 3276, X97 5102, X55 9782, X15 9452, X02 3400 билан тугайдиган абонентларга жўнайдди.

Акция 2010 йилнинг 26 декаб-

ригача давом этади, унда қатнашиш учун фақат “Билайн”га улашиш ва мулоқот қилиш керак. Оператор хизматлари (овозли алоқа, SMS, MMS, мобил интернет ва бошқалар) харажатлари календар ҳафтаси, яъни душанбадан яқшанбагача камида 2000 сўмни ташкил қиладиганлар акциянинг фаол абонентлари ҳисобланади. “Chevrolet Captiva” аввалги кундалик миллион сўм ва бонуслар ўйинида бир марта бўлса ҳам иштирок этган, шунингдек, ғолибни аниқлаш пайтида фаол бўлган абонентлар ўрта-сида ўйналади.

OBUNA-2010

Обуна давом этмоқда

Қадрли муштарийлар!

“Xabar” газетасига иккинчи ярим йиллик учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва “Матбуот тарқатувчи” АК шохобчаларинда обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума кuni, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошанинг, обуна давом этмоқда.

Xabar — Сизнинг газетангиз! Нашр кўрсаткичи — 228.

Шабрик.бай.уз!

“Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси жамоаси Хоразм вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Каримбой МАТЯЗОВ ва Сурхондарё вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Зоидажон АХМЕДОВларни 55 ёшлари билан қизгин қутлайди. Уларга мустақкам соғлиқ, алоқа соҳасидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Кучлилар сараланмокда

Ўзбекистон миллий университети спорт залида футбол бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Кубоги учун Тошкент шаҳар ҳудудий-минтакавий саралаш мусобакаларининг иккинчи ва учинчи тур ўйинлари ўтказилди.



2-тур
Иккинчи турда ТАТУ ва Билайн жамоалари ўртасидаги баҳсга марказий учрашув сифатида қаралаётган эди. ТАТУ жамоаси бир неча йилдан бўён мукаммал ўйин кўрсатадиган жамоалардан бири сифатида эътироф этилса, Билайн ўтган йилги мусобақаларнинг кумуш медали соҳибига эришди. Кутилганидек, учрашув голларга бой бўлди, аммо мурасасизлик борасида мобил алоқа компанияси футболчилари соҳа олий ўқув юрти вакилларига тенг кела олишмади.

Иккинчи ўйинда амалдаги чемпион — ТШТТ жамоаси UzNETни мағлуб этган бўлса, ШАК футболчилари ТШТТ-2 жамоасидан устун келдилар. ТАТУ — Билайн — 8:1
ТШТТ — UzNET — 7:1
ТШТТ-2 — ШАК — 3:10

3-тур

Учинчи турда ТАТУ ва ТШТТ жамоалари яна ўзларини кўрсатишди. Улар иштирокидаги баҳсларда йирик ҳисоблар қайд этилди.

Учинчи турнинг эътиборга молик учрашуви саралаш ўйинларининг дебютантлари — UzNET ва ТШТТ-2 жамоалари баҳс бўлди. Ўтган йилги ўтиш турнирдан саралашга йўл олган мазкур жамоалар қарама-қаршиликда UzNET футболчиларининг қўли балинд келди.

UzNET — ТШТТ-2 — 2:1
Алоқабанк — ТАТУ — 3:11
Билайн — ТШТТ — 1:7

“Тошкент шаҳар ўтиш турнири”нинг баҳсларига ҳам старт берилди.

“А” гуруҳи. 1-тур

UzMobile — ДАИ — 6:4
PPTM — МТС-Ўзбекистон — 2:10
Тошкент почтамати — Матбуот тарқатувчи — 14:1

2-тур

Тошкент шаҳри “Ўтиш турнири”нинг “А” гуруҳидаги 2-тур ўйинлари ҳақида мусобақа бош котиби Суннат Абдуғаниев фикри билан қизиқдик:

— Бу гуруҳда мухлисларнинг асосий эътибори бир неча йилдан бўён соҳа кубоги мусобақаларида иштирок этмай келган МТС-Ўзбекистон (Ўздунобита) ва Махсус авария-тиклаш бошқармаси (МАТБ) жамоаларининг ўйинига қаратилган эди. Агар МТС-Ўзбекистон жамоаси

таркибиди 5-6 йил илгари тўп сурган ўйинчилар ҳали ҳам жамоада асосий кучни ташкил қилаётган бўлса, МАТБ жамоаси UzMobile жамоасига қарши мутлақо янги ўйинчилар билан майдонга тушдилар. Шу боис ҳам бу беллашувга эътибор катта эди.

МАТБ ва UzMobile баҳси бошланишида икки жамоа ташаббусни қўлга олиш мақсадида кескин ҳаракат қила бошлашди. Бу эса айрим ўйинчиларнинг асабийлашишига ва оқибатда ҳакамлар томонидан сариқ карточкаларнинг кўрсатилишига олиб келди. Бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқарган МАТБ жамоаси асаббўзарликларга йўл қўймасдан бутун эътиборни ўйинга қаратди. UzMobile эса жамоадаги асабийликни бартараф қила олмай бирин-кетин ҳимояда хатоларга йўл қўйиб, карточкаларни тўплашда давом этди. Натижада 14-рақам остида тўп сурган Лазиз Якубжонов ҳакамлар томонидан майдондан четлаштирилди. МАТБ футболчилари UzMobileнинг бу хатоларидан унумли фойдаланди. Ҳисоб 9:0 — МАТБ фойдасига. Умуман олганда, бу жамоа менда яхши таассурот қолдирди. Жисмонан кучли, бақувват ҳарбийлардан ташкил тошган. Таркибда яққол маҳорати билан ажралиб турувчи футболчилар бўлмасда, ўйинчиларнинг футбол ўйнаш даражаси текис ва бир метёрда. Жамоанинг энг кўзга ташланганидан



фазилати — ўйин интизоми бўлса керак.

МТС-Ўзбекистон ва Тошкент почтамати жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам анча кескин ўтди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки иккала жамоа “А” гуруҳида етакчиликка асосий давогарлар деб ҳисобландилар. Ўйин йирик 5:0 ҳисоби билан якунланган бўлса-да, аслида баҳс тенг курашлар остида ўтди. Ўйиннинг биринчи бўлими 1:0 ҳисоби билан якунланди. Агарда иккинчи бўлимнинг иккинчи палласида ҳал этди. Бунинг сабаби жамоанинг ўрта ёши рақиб жамоага нисбатан ёшлиги деб ўйлайман.

ДАИ — PPTM — 0:6
Махсус авария-тиклаш бошқармаси — UzMobile — 9:0
МТС-Ўзбекистон — Тошкент почтамати — 0:5

“В” гуруҳи. 1-тур

ЭМММ — Alskom — 11:2
Unicon.uz — Ucell — : +
ТошТТС — Мониторинг маркази — 5:1

2-тур

Alskom — Мониторинг маркази — 4:3
Ucell — ТошТТС — 5:1
ЭМММ — Unicon.uz — 12:0.

FUTBOL

ЕЧЛ: саралаш баҳслари

Европанинг бир қатор стадионларида Европа Чемпионлар Лигаси 2 саралаш раундининг сўнгги жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Натижаларга кўра, 3 саралаш раундида майдонга тушадиган барча жуфтликлар номи маълум бўлди.

Олимпиа Рустави (Грузия) — АКТОБЕ (Қозоғистон) — 1:1

Голлар: Рехвишвили (30) — Тлешев (90), Дастлабки учрашув — 0:2.

Женесс (Люксембург) — АИК (Швеция) — 0:0

Дастлабки учрашув — 0:1.

Поник (Арманистон) — ПАРТИЗАН (Сербия) — 0:1

Гол: Клео (45), Дастлабки учрашув — 1:3.

ХИК (Финляндия) — Экранас (Литва) — 2:0

Голлар: Ояла (77), Шидлаускас (120, автогол), Дастлабки учрашув — 0:1.

ЖИЛИНА (Словакия) — Биркиркара (Мальта) — 3:0

Голлар: Пиачек (21), Лиетава (77), Оравец (90).

Дастлабки учрашув — 0:1.
ДЕБРЕЦЕН (Венгрия) — Левадия (Эстония) — 3:2

Голлар: Нахс (3), Кулибали (24), Сакай (54) — Янник (32), Лейтан (53).

Дастлабки учрашув — 1:1.

СПАРТА Прага (Чехия) — Металлург (Латвия) — 2:0

Голлар: Матейовски (12), Земан (43), Дастлабки учрашув — 3:0.

ЛЕХ (Польша) — Интер Баку (Озарбайжон) — 0:1 (0:0 пен — 9:8

Дастлабки учрашув — 1:0.

Железничар (Босния ва Герцеговина) — ХАПО-ЭЛ Т-А (Исроил) — 0:1

Гол: да Силва (76), Дастлабки учрашув — 0:5.

РУСЕНБОРГ (Норвегия) — Линфилд (Шимоллий Ирландия) — 2:0

Голлар: Прика (32), Хенриксен (87), Дастлабки учрашув — 0:0.

Хафнарфордур (Исландия) — БАТЭ (Беларус) — 0:1

Гол: Родионов (15), Дастлабки учрашув — 1:5

КИСҚА САТРАЛДАРДА:

TENNIS

Германиянинг Гамбург шаҳрида дунёнинг энг кучли теннисчилари иштирокида ўтказиладиган “German Open — 2010” халқаро турнирида Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда. Теннисчимиз дастлабки босқичда чехиялик Лукаш Росолни 3:6, 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга уратган бўлса, иккинчи босқичда испаниялик Николас Алмагродан икки сет натижасига кўра устун келди.

BOKS

Бургут Ҳожибоев Украинада Владимир Кличко соврини учун ўтказилган халқаро турнирда 12 давлат вакиллари орасида 54 килограмм вазн тоифасида мутлақ голибликка эришди ва олтин медалга мушарраф бўлди.

SHAXMAT

Пекин шаҳрида шахмат бўйича саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионида ҳамюртларимиз иккита бронза медали қўлга киритди. Тимур Игонин ва Нодирбек Ёкуббоев мусобақада еттидан очко жамгариб, ушбу унвонга сазовор бўлдилар.

Билимингизга ишонинг!

Юртимизда ёшларнинг билим олишлари, коллеж ёки олий ўқув юртларида ўқиб, ўзлари истаган соҳани пухта эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Айни кунларда ўнлаб олий ўқув юртлари ўқишга кириш истагида бўлган ёшлар билан гавжум.



Бугун мамлакатимизда хориждаги энг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари иш олиб борапти. Хусусан, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.М.Губин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиаллари, шунингдек, Тошкент-Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Тошкент шаҳридаги Турин политехника институтида юзлаб ўзбек йигит-қизлари ўқиб, билим олмоқдалар. Яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, ўзларининг эзгу мақсадлари сари интиломқдалар.

Лекин ҳаммининг ҳам пойтахтга келиб ўқишга қурби етмайди, ал-

батта. Шунинг ҳисобга олган республикаимиз ҳукумати вилоятларда истиқомат қилувчи ёшларимиз учун ҳам барча имкониятлар эшигини очиб қўйган. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор муҳим соҳаларга ходимлар тайёрловчи нуфузли олий таълим даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Республика алоқа соҳасига етук мутахассислар тайёрлаб бераётган Тошкент ахборот технологиялари университети, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республи-

касида ҳам филиаллари мавжудлиги ва у ердаги шароит Тошкентдан қолишмаслиги фикримизнинг далилидир.

Республика Президентининг 2010 йил 28 майдаги “2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қароридан сўнг мамлакатимиздаги барча олий-гоҳларда янги ўқув йилига талабалар қабул қилиш юзасидан тайёр-гарлик ишлари бошлаб юборилди.

Талаба бўлиш иштиёқида олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётганлар жуда кўп. Кимлардир билимига, кимдир омадига, кимдир шпартгалкаларга ишонган ҳолда тест синовларига ҳозирлик кўришмоқда. Шунинг учун ҳам талаба бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган улкан бахт ҳисобланади.

Бу бахтга эришиш учун чуқур билимга эга бўлиш катта аҳамият касб этади.

Минг афсуски, айни олий ўқув юртларига қабул пайтида айрим “тадбиркор”лар ҳам ҳаракатга тушиб қолишади. Автобус бекатларида, жойлардаги эълон тахтачаларида “шпартгалкалар 100 фоиз кафолати билан” ёки “Тест синовларидан ўтишингизга ёрдам берамиз” каби мазмундаги эълонлар ана шу “тадбиркор”ларнинг иши. Тест синовларидан ўта оламани, йўқми дея икки-лабиб юрган билими сустроқ абитуриент ана шундай эълон эгаларига кўнгирак қилишлари табиий. Отанаси еб-ичиши учун берган пулни “шпартгалка” сотиб олиб, куйиб қолганлар қанча.

Яхши ният билан олий ўқув юртига ҳужжат топшириб талаба бўлиш истагида юрганлар бундай сохта “билимдон”лардан йироқ юрганлари маълум, албата. Негаки, олий билим даргоҳига ўқишга кириш учун энг яхши омил — бу билим. Шу сабаб билимига ишонганлар зўр иштиёқ билан тест синовларига тайёрланмоқдалар. Тест синовларига эса жуда яқин қолди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Омад сизга, азиз абитуриент!

• Бугунги кунда мамлакатимизда 76та олий ўқув юрти иш олиб борапти.

• Бу олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичига 56607 нафар талаба, шундан 19755 нафари давлат грантлари, 36852 нафари тўлов-шартнома асосида қабул қилиниши режалаштирилган.

• Магистратура босқичида 5856 нафар талабанингни ўқиши, шундан 1561 нафари давлат грантлари, 4295 нафари тўлов-шартнома асосида қабул қилиниши кўзда тутилган.

• Ҳар йилгидек бу йил ҳам муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш пайтида олий таълим даргоҳларига ўқишга кириш учун тавсиянома олган ёшларга алоҳида имтиёз берилди. Бундай ёшлардан 2010 йилги қабул қилиниши доирасида бакалаврият учун 11300 киши қабул қилиниши режалаштирилган.

➔BILIB QO'YGAN YAXSHI

ПИШЛОҚНИ САҚЛАШ УСУЛИ

Пишлоқни узоқроқ муддат янги ҳолатида сақлашни хоҳлайсизми? Бунинг йўли осон. Пишлоқ бўлакчалари солинган ликопчага бир дона оққанд қўйингда, устини бошқа ликопча билан ёпинг. Шу усулда пишлогингиз бир ҳафтагача суви қочмасдан, янгидек сақланади.



ҚИЗЛАР КУНДАЛИГИГА

Лапша (спагетти)ларингиз қайнаш жараёнида бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун қайнаётган вақтида ўсимлик ёғи солинг. Пишай деб қолганда эса сувни тўқиб ташлаб, устига бир бўлак сариёғ қўйиб, паст оловда 1-2 дақиқача димланг. Шунда у ёпишмай, дона-дона бўлиб пинади.

Агар мураббонгиз шакар билан қопланиб қолган бўлса, уни сирли идишга солиб, устидан 3 ош қошиқ (1 кг. мураббо учун) сув солинг. Сўнг 5-6 дақиқа давомда паст оловда қайнатинг. Қарабсизки, мураббонгиз яна асл ҳолига қайтали.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУХИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содияжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғриллигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бувёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанингни жума кунини чиқари

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 11241 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99